Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 89 (5680).
16 АПРЕЛЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун зўр ғайрат билан курашингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Май Чақириқларидан).

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛАДИ

Юнусобод массивининг СГ—3 микрорайони тобора чирой очмоқда. Бу ерда янги-янги турар жой бинолари қад кўтармоқда. 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Николай Ванин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси яна бир 220 квартирали 5 қаватли уйни

БУГУН

мазкур комбинатнинг 1 ва 2-монтаж бошқармаси қурувчилари ихтиёрига топширдилар. Улар эса янги объектда конструкцияларни монтаж қилиш ишларини бошлаб юборишди. Ванин бригадаси эса Ивановолик тўқимачилар кўчасида яна бир янги 5 қаватли уйнинг пойдеворини қуришга киришди.

Илғор бригада қурувчилари москваликларнинг ташаббусига яқдиллик билан қўшилдилар. Улар В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигини меҳнатда юксак ютуқларга эришган ҳолда нишонлашга азму-қарор қилдилар. Улар шу куни бир тан-бир жон бўлиб шанбаликка чиқишди, ўз жойларида юксак унум билан меҳнат қилишади. Шанбаликдан тушган 400 сўмликка яқин иш ҳақи Тинчлик фондига ўтказилади.

Қурувчилар яқинлашиб келаётган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ҳам катта муваффақиятлар билан нишонлашга бел боғлашди. Улар бу қутлуғ сана арафасида 1985 йилнинг ярим йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқдалар.

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ЭТАДИ

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг март (1985 йил) Пленумида сўзлаган нутқида биринчи даражали вазифа сифатида белгилаб берилган интизом ва кадрлар тарбияси масалалари бўйича партиянинг ленинча принципиал йўли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми ишининг асосий моҳияти ва мазмунини ташкил этди.

Тошкент область партия комитетининг VIII ва шаҳар партия комитетининг X пленумида бу муҳим, партиявий принципиал суҳбат давом эттирилди. Октябрь район партия комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни яхшилаш масаласи чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Район партия комитетининг биринчи секретари О. Х. Аскаров қилган докладда ва нотиқларнинг сўзларида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ленинча принципларига оғишмай риоя қилиш устидан қатъий назорат ўрнатишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган вақт ичида районда 65 бошланғич партия ташкилотининг секретари, район партия комитети номенклатурасидаги 29 раҳбар алмаштирилди. Кадрлар билан ишлашни яхшилаш бўйича бошқа бир қатор тадбирлар ўтказилди ва ўтказилмоқда. Бироқ — бу узоқ давом этадиган ва катта ишнинг кичик бир қисми, холос, деб таъкидланди пленумда.

Ҳозирги шароитларда кадрлар билан ишлашда ходимларнинг сиёсий ва ахлоқий сифатларига баҳо беришга пухта ўйлаб ёндошиш зарурлиги биринчи вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон ССР Давлат таъминоти комитетининг коммунистлари ўз вазифаларини худди шундай тушундилар. «Ташгранспецстрой» трести ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг коммунистлари ўз ишларини шу йўналишда олиб бормоқдалар. Ходимларнинг ишчанлик фазилатларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида партия ташкилотларида кадрлар билан ишлашнинг демократик асослари ривожлантирилянти. Уларнинг ҳисоботларини йиғилишларда ва бюроларда тинглаш кенг практика қилинянти. Ишга кўтариш мўлжалланган номзодлар очиқ муҳокама этилмоқда. Докладда ва Ўзбекистон ССР Давлат таъминоти комитети партия комитетининг секретари В. Ю. Буреш район партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг аъзоси Ғ. Н. Назруллаев, бадиий буюмлар фабрикасининг директори Р. Х. Отажонова, 186-мактаб директори С. Шамсиева ва бошқалар сўзларида алдаш, кўзбўямачилик ва бошқа салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш талаб этилди. Партия ташкилотларининг қонунни бузишга йўл қўйган раҳбарларни ўз пинжига олиш сингари ҳолларга мутлақо муроса қилиб бўлмайди.

Пленумда шундай бир мисол келтирилди. 76-мактаб директори Ф. Латипова ўз манфаатини коллектив манфаатидан устун қўйиб, лавозимини суиистеъмол қилди, ўқитувчиларни мактабни битираётган ўз қизининг баҳоларини тўғрилаб беришга мажбур қилди. Директорнинг бошқа ҳатти-ҳаракатлари ҳам ўз эмас эди. Оқибатда район халқ маорифи бўлими уни ғаллаб турган лавозимидан озод этди, ҳолбуки партия ташкилоти эса ҳатто унинг ҳатти-ҳаракатини муҳокама ҳам қилмади.

Пленумда кадрлар тўғрисидаги масала кўпгина актуал проблемаларни ҳисобга олган ҳолда турли жиҳатлар бўйича кўриб чиқилди. Интернационализм— социалистик воқелигимиз учун ғоят муқаддас ҳисобланади. Уни амалда қарор топтириш керак. Шунинг учун ҳам раҳбар кадрлар аҳоли ва ишлаётганларнинг миллий составини имкони борича тўлароқ акс эттириши лозим. Докладчи шуни таъкидлаб ўтдики, район партия комитетига бу борада раҳбар органлари учун кадрлар резервида жиддий тузатишлар қилишга тўғри келди.

Доклад юзасидан музокараларда сўзга чиққан Тошкент метрополитени ҳаракат хизматининг катта оператори С. В. Кривошапова, 159-трест бошқарувчиси М. Д. Нурмуҳамедов, республика қишлоқ хўжалик министрлиги партия комитетининг секретари Б. Б. Усмонов, Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-тадқиқот лойиҳалаш институти директори А. В. Ғаниев таъкидлаганларидек, партия ҳар бир коммунистдан пухталик ва уюшқоқликни талаб этмоқда. Меҳнаткашларнинг бутун куч-ғайратларини беш йиллик ва унинг якунловчи йили режаларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга қаратилган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин қатнашди ва нутқ сўзлади.

20 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ЧОРЛАЙДИ


Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи гудогига биноан меҳнат коллективлари, шаҳарнинг бутун аҳолиси, «Буюк Почин»нинг шонли анъаналарига садоқатини намойиш қилиб, эрталаб барвақт В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликка чиқадиган кунга оз қолди.

Тошкентликларнинг «Қизил шанбалик»да иштироки Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг совет халқининг экономикани, фан ва маданиятни янада гуллаб-яшнатиш, халқ фаровонлигини ошириш учун умумий курашига янги ҳиссаси, совет кишиларининг жонажон Коммунистик партия, коммунизм идеалларига, Буюк Ленин ишига беқиёс садоқати ифодаси бўлади.

Жойларда тузилган штаблар бугунги кунда ҳар бир корхона, ташкилот, муассасада иш ҳажмини белгилаши, шанбаликнинг ҳар бир иштирокчиси учун аниқ топшириқ бериши ғоят муҳимдир. Шу мақсадда иқтисод ва тежамкорлик учун юриш натижаларини умумлаштириш, тежалган материаллар, хом ашё, металл, электр-ёқилғи қувватларини қатъий ҳисоб-китоб қилиш ва шу асосда энг кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни, қурилиш-монтаж ишлари бажарилишини, тежалган ёқилғи, мойлаш материаллари билан халқ хўжалиги юклари ташилишини таъминлаш лозим.

Жойларда шанбалик иштирокчилари ўртасида социалистик мусобақани йўлга қўйиш, барча участкаларда чинакам меҳнат ташаббускорлиги, байрам кўтаринкилигини юзага келтириш зарур. 20 апрель унутилмас, энг юксак меҳнат унумдорлигига эришилган, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилган кун бўлиб қолиши лозим.

ЗАРБДОРЧАСИГА МЕҲНАТ ҚИЛИБ



Алексей Жўраев «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йилдан бери меҳнат қилиб келмоқда. Ўз ишини яхши билган бу азамат смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқда.

Бугунги кунда у бошчилик қилаётган бригада азаматлари барча бирлашма ишчилари каби коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўришмоқда. «Қизил шанбалик»дан тушган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

СУРАТДА: токарь Алексей Жўраев.

М. Нуриддинов фотоси.

БИР ТАН-БИР ЖОН БЎЛИБ

Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси коллективи 20 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича бошланган ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлашди. Ассий касбдаги ишчилар эса ўз иш жойларида меҳнат қилиб, жами 46 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашади. Шу куни ишлаб топилган 2000 сўм иш ҳақи ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Илғор тикувчилардан Зулфия Қосимова, Шоира Тошматова, Ҳалима Ғозиева смена топшириқларини 1,5 —2 баравар ортиғи билан бажаришга аҳд қилиб қўйишди. Хуллас, меҳнат байрами куни бутун коллектив бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришади.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Фрунзе райони меҳнаткашлари шаҳримизни ободонлаштириш, кўкаламзорла ш т ириш ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича бошлаган ташаббусини Октябрь райони мактаблари коллективлари қизғин қўллаб-қувватлашди. Районда деярли ҳар куни мактабларнинг юқори синф ўқувчилари дарсдан сўнгги бўш вақтларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида қатнашаяптилар. Улар мактаб ҳовлилари, унга туташ кўчаларни тозалаш, суғориш шахобчаларини тартибга келтириш, дарахтлар ва гулларни парваришлаш ишлари билан шуғулланаяптилар. Шу кунгача 13.321 дона мевали дарахт ва гул кўчатлари экилди. 60 тонна темир-терсак тўпланди. Бундан ташқари ўқувчилар 20 апрелда бўладиган коммунистик шанбаликка қадар 98 тонна макулатура тўплашни мақсад қилиб қўйишди.

Мактабларнинг коллективлари 20 апрелда бўладиган коммунистик шанбаликка ҳам пухта тайёргарлик кўряптилар. Райондаги 41, 84, 102-мактаблар, 445, 443, 243-болалар боғча коллективлари биринчилардан бўлиб коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусга қўшилиб, шу куни амалга ошириладиган тадбирлар планини ишлаб чиқдилар. Бу тадбирлар планида ҳар бир коллектив ўз территориясини янада ободонлаштиришни ва кўкаламзорлашт и р и ш ни, темир-терсак ва макулатура тўплашни кўзда тутган.

КЎЗГУЧИЛАР ҲИССАСИ

Мебель ойналари фабрикаси коллективи 20 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича бошланган ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватладилар. Фабриканинг беш цехи, ойна қирқувчилар бригадаси аъзолари ана шу шонли санада намунали меҳнат қилиш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрмоқда. Шу куни жами 7 минг пог. метр ойна ишлаб чиқарилиб, республикамизнинг мебель фабрикаларига юборилади.

Меҳнат байрами куни айниқса В. Баринов бошлиқ илғор ойна қирқувчилар бригадаси зўр ғайрат билан ишлашни мақсад қилиб қўйди. Бу коллектив шу куни смена топшириғини бир ярим баравар ошириб бажаришга ваъда берди.

Меҳнат байрами куни фабрика бўйича 19 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. 3400 сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади. Бундан ташқари корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Талайгина мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилади.

ВЕТЕРАНЛАР ҲИММАТИ

Жонажон шаҳримиз Тошкентни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳар бир тошкентликнинг шон-шараф ишидир. Ана шунинг учун ҳам Фрунзе райони меҳнаткашлари совет халқи немис фашист босқинчилари устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини ва КПСС-нинг XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Биз Фрунзе районида яшаймиз. Шу боисдан ҳам мазкур ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватладик ва буни амалга ошириш учун тадбирлар белгиладик.

Маҳалламизда 450 хонадон бор. Яқинда маҳалла комитети учун янги бино қуриб битказдик. Буни қуришда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларидан Турдиали Шукуралиев, Ҳожи Тожибоев, Юсуф Ражабов, Насим Рашидов, Тўйчи Алимбоев фаол иштирок этдилар. Бундан ташқари шу ветеранлар ташаббуси билан маҳалла марказидаги ариқлар тозаланди, 120 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Маҳалламиз аҳли В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллигига бағишлаб 20 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбаликка ҳам фаол тайёргарлик кўряпти. Шу куни катта-ю кичик маҳалладаги жами суғориш тармоқларини, кўчаларни тозалашни, дарахтларни бутаб, шакл беришни мўлжаллаяпти. Бундан ташқари 300 тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш нияти дамиз.

Л. БОБОТУЛЛАЕВ,
Фрунзе районидаги «Заводская» маҳалла комитети раисининг ўринбосари.

Қаҳрамоннинг юртида бронза бюст

ХАРЬКОВ, 13 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновнинг бронза бюсти очилди. Бюст СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан қаҳрамон туғилиб ўсган жойда ўрнатилди.

Шу воқеага бағишланган митингда Харьков область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Мисниченко, трактор заводининг фрезерчиси Т. Д. Бурцева, В. А. Малишев номидаги транспорт машинасозлиги заводи станокчиларининг бригадири В. А. Петров, университет доценти, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. А. Ушаков, Харьков давлат педагогика институтининг студенти Н. М. Якушко сўзга чиқдилар.

СЎНМАС ҒАЛАБА

15 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ўзбек халқининг Буюк Ғалабага қўшган ҳиссасига бағишланди. Конференцияни Ўзбекистон Компартиясининг меҳнат фронтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисида, халқ хўжалигини ҳарбий изга солиб қайта қуриш ҳақида, ўзбекистонлик жангчиларнинг Улуғ Ватан уруши жангларидаги иштироки тўғрисида гапирилди.

Республика таниқли олимларининг докладларида Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти уюштирди.

(ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистонда Португалия кунлари 15 апрель куни тугади. Меҳмонлар корхоналарда, колхоз ва совхозларда бўлдилар, Самарқанд ва Фарғона водийсига сафар қилдилар.

Ўзбекистонда бўлган кунларимиз хотирамизда ўчмас из қолдирди, деди композитор, шоир, хонанда Франсишку Жозе Сейа. — Республика меҳнатчиларининг ажойиб муваффақиятлари айниқса жозибадордир. Биз сафар давомида кўпгина кишилар билан танишдик ва улар тинчликни астойдил истаётганликлари ва планетамизда уруш бўлмаслиги учун ҳамма ишни қилаётганликларига ишонч ҳосил қилдик. Бу муддао мен учун яқин ва тушунарлидир. Чунки тинчлик мавзуи менинг ижодимнинг асосий мазмунидир.

Португалиялик меҳмонлар республика Олий Совети Президиумида қабул қилиндилар, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти актив лари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, Тошкент шаҳри телефон алоқасини ривожлантиришда актив иштирок этганлиги учун «Союзтелефонстрой» трести Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасининг алоқа монтажчи-кабелчиси ўртоқ Абдуғани Ғуломович Отауллаевга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет тасвирий санъатини ривожлантириш ва пропаганда қилишдаги хизматлари учун ҳайкалтарош ўртоқ Дамир Солижонович Рўзибоевга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Тошкент шаҳридаги 167-ўрта мактаб ўқитувчиси ўртоқ Аъзам Аҳмедович Зоҳидовга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи»** фахрий унвони берди.

ЛУҚМА «МАЖЛИС ДАВОМ ЭТАДИ»



Остап Бендер шундай деган ва «Парадга мен қўмондонлик қиламан», деб қўшимча қилган эди.

3 апрель куни кундузи соат 12 дан бошлаб, «Союзпечать»нинг Чилонзор, Собир Раҳимов ва Ленин район агентлик. ларни киоскачилари «парадга қўмондонлик қилишаётган эди». Ушбу фактни газетамиз мух. лиси Л. Глауберзон 3 апрель тушки соат 3 ларга яқин олган фотосурат тасдиқлайди. «Союзпечать»нинг 4-киоска. си шаҳар пассажир транспортининг «Чилонзор» Марказий универсал магазини ёнидаги бекатда жойлашган. Ҳафсала билан табличка. га «Мажлисга кетдим», деб ёзиб қўйилибди.

Биз нохушлиги билан шуҳрат қозонган турли ёзувларга кўникиб қолганмиз. Масалан, «Базага кетдим», «Тара йўқ» ва ҳоказолар шулар жумласидандир. «Мажлисга кетдим»— бунисн «янгин», ҳатто «ўзига хос».

— Бу шунчаки оддий мажлис эмасди, — дея тасдиқлайди «Союзпечать» шаҳар агентлиги бошлиғининг ўринбосари Валентина Николаевна Цой.— 3 апрель куни соат бирларда агентлигимизда шаҳардаги учта район киоскачиларн учрашуви уюштирилди. Чунки, ҳали бизда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши ҳоллари кўп. Мажлис 15 гача чўзилди, савол-жавоб кўп бўлди...

Бундай мажлислар биринчи ва иккинчи апрелда ҳам тонгги соатларда ўтказилган экан. Тўғри, унда шаҳардаги бошқа районларнинг киоскачиларн қатнашишди. Тез кунда бошқа тадбирлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Айтиш мумкинки, мажлислар давом этяпти.

Мажлислар ва бошқа тадбирлар ўтказилишига ҳеч ким қаршн эмаслиги равшан, албатта. Бу киоскачиларнинг ишига ҳам ижобий таъсир этиши истисно этилмайди. Лекин, мажлисларнинг иш вақтида ўтказилишини эса —ўйлаймизки, бундай ақлли режани мижозлар тегишлича баҳолайверадм.

Э. ВИКТОРОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги корхоналарида Ҳиндистонда ўтказиладиган машинасозлик ярмаркаси учун экспонатлар тайёрлашга киришилди. Тошкент трактор заводи «МТЗ-80Х» тракторини, «Ташсельмаш» заводи эса «зангори кема»ларни халқаро кўргазмага юборади.

Тошкент темир йўли бўлимининг барча корхоналари ишчи ва хизматчилари 20 апрелда бўладиган ленинча коммунистик шанбаликда зўр ғайрат ва шижоат билан қатнашишга бел боғладилар. Улар бунинг учун жуда кўп техника воситалари, ускуналар, материалларни ишга шайлаб қўйдилар. Темир йўл бўлимининг 30 корхонасидан 22 минг 600 кишн шанбаликда актив қатнашади. Шундан 11 минг 800 кишн ўз иш жойида меҳнат қилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 12—14, эртага кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

Қизил байроқли коллективларда

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ







СУРАТЛАРДА: 1. Тикувчилар бригадасн бошлиғи Мухтабар Икромова ёш ишчилар билан бирга; 2. Инженер-конструктор Сожида Деҳқонова; 3. Корхонанинг илғор комсомол аъзоси Умида Мирзаева.

Тошкентдаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси коллектив КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этишмоқда. Айниқса корхона коллективи беш йиллигининг ўтган тўртинчи йилида эришган ютуқларн самарали бўлди. Ишлаб чиқариш имкониятларидан тўла фойдаланилган ҳолда меҳнат қилишган корхона чеварлари республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқишиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муяссар бўлишди.

Бош кийимларнинг 20 тури эса «Янгилик» белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Шунинси қувончлиси, фабрикада тайёрланаётган бош кийимларнинг тўрт тури Москвада ўтказиладиган XII Жаҳон ёшлар ва студентлари фестивали ташкилий комитети томонидан танлаб олинди.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотолари.

● АМАЛДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ

«ДРУЖБА» ҚУРИЛМОҚДА ВА ИШЛАМОҚДА

«Узновгородводстрой» трести механизациялашган кўчма колоннасида мелираторларнинг хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаси тузилди. Бу бригада қурилаётган катта «Дружба» сутчилик —сабзавотчилик хўжалиги учун 312 гектар ерда зах қочириш системасини барпо этмоқда.

Бригада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формасига ўтказилишидан авал катта ташкилий ишлар бажарилиб, унда механизациялашган колоннанинг инженерлари ва техниклари, ишчилар, бригадирнинг ўзи—тажрибали механизатор Б. Баженин актив қатнашдилар.

Б. Баженин бу ерга келишдан аввал Ўзбекистонда ишлар ва яшаш жойини ўзгартиришни хаёлига ҳам келтирмаганди. Лекин у Ноқоратупроқ зонага малакали мелираторлар кераклигидан хабар топгач, ўша ёққа юборишларини сўраб ариза ёзди. Борис Андреевич комплекс бригадага бош бўлиб, дастлабки бир минг гектар ерда зах қочириш системасини қуришга киришди. Система муддатидан илгари «яхши» баҳо билан топширилди.

Баженин бригаданинг механизациялашган кўчма колонна маъмурий ва таъминот хизматлари билан муносабатларини шартнома асосида қурмоқда. Бригада қатъий графикка мувофиқ зовур қувурлар ва изоляцияловчи шиша тўқимани, темир-бетон маҳсулот ва шағал, запас қисм ва ёнилғи олиб туради. Коллектив эса далани пландаги 12 ой ўрнига 10 ойда янгилаб, объектларни босқичма-босқич ғоят сифатли қилиб топшириб туришга сўз берди.

— Хўжалик ҳисобига ўтиш кишиларнинг ишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда, дейди бригадир. — Илгари бўлинмалар тарқоқ ҳолда ишлаганида механизаторларнинг ўз вазифаларига эътиборсиз қараш ҳоллари ҳам бўлиб турарди. Участкаларни текислаш сифати кўнгилдагидек чиқмасди. Турли профилдаги механизаторларни битта коллектив қилиб бирлаштириш гидротехник объектларни муддатидан илгари ғоят сифатли қилиб топширишга ундамоқда. Машина-ускуналарни бир жойга йиғиш муҳим аҳамиятга эга.

«Дружба» совхози қурилмоқда, ҳам маҳсулот бермоқда. Оталиққа олган ўзбекистонликлар 3 минг гектардан кўп янгиланган ерни ғаллакорларга топширдилар. Улар шу йили яна 632 гектар ерни экинзорга айлантирадилар.

ТАСС—ЎзТАГ мухбири. Новгород.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Уйсозлик комбинати «яшарди»

БРАТИСЛАВА. Словакия пойтахтидаги энг қўҳна уйсозлик комбинати қайта «яшарди». Уни реконструкция қилиш ишлари тугади. 30 йил муқаддам у уй-жой қурилишини саноат усулида олиб бориш ташаббуси билан чиқиб уй-жой проблемасини ҳал қилиш ишига катта ҳисса қўшган эди. Бугунги кунда комбинат қўрилиш чиройли ва яхши планлаштирилган уй-жойлар қуриш вазифасини адо этмоқда. Комбинат ҳар йили 1600 та ана шундай квартира деталлари ишлаб чиқаради.

Ҳозирги вақтда халқ ҳокимияти йилларида Братиславада қурилган уйларда шаҳар аҳолисининг қарийб 85 процента яшамоқда. Шаҳарда «Дубравка», «Карлова вес», «Петражалка» деб аталган янги уй-жой массивлари пайдо бўлди. Яқин йиллар ичидагина 170 минг киши янги уйларга кўчиб киради, 40 йил муқаддам, Совет Армияси Братиславани озод қилиш арафасида бутун шаҳарда шунча уй-жой бор эди.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

СОФИЯ. Болгария миллий аграр саноат иттифоқи (МАИ)нинг бу ерда бўлиб ўтган II съезди қабул қилган қарорда бундай дейилади: Болгария қишлоқ хўжалик структурасини яхшилаш, ердан фойдаланишнинг илғор усулларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий қилиш туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди.

Ҳозирги вақтда мамлакат қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати миллий даромадининг 25.9 процентини таъминламоқда, дейилади ҳужжатда. Чорвачилик, дон ва ем-хашак, сабзавот ва мева етиштириш барқарор суръатлар билан ривожланмоқда. Бироқ, аграр саноат ва озиқ-овқат комплекси қувватларини янада кўпайтириш учун резервлар бор.

МАИ 1985—1986 йилларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини бошқариш системасини ишлаб чиқиб жорий этиши, комплекс агрохимия хизмати кўрсатиш лабораторияларини барпо этиши лозим. Чорвачилик соҳасида селекция ишлари яхшиланиши, чорва туёғи кўпайтирилиши керак.

Съезд қарорида уқтириб ўтилганидек, озиқ-овқат саноати фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқлари асосида реконструкция қилиниши лозим, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни янада ривожлантириш, электроника воситаларидан фойдаланиш тадбирлари кўзда тутилган. Қишлоқнинг соцнал проблемаларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилади.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

...

ҚОҲИРА. 1975 йилнинг июнида Сувайш каналн орқали кема қатновн яна бошланғандан кейин ўтган давр ичида ундан 200 миггичнн кема ўтди. Сувайш каналн маъмурнятнннг раиси Муҳаммад Иззат Одил матбуот конференциясида сўзга чиқиб, мана шу халқаро сув йўлининг Миср экономикаси учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу йўл ҳар йили мамлакатга салкам бир миллиард доллар даромад келтирмоқда.

Канал реконструкция қилингандан ва кенгайтирилгандан туфайли ҳозир ундан тўла юк ортилган 270 минг тоннага қадар ҳажмли энг катта танкерлар ва юк ортилмаган 400 минг тонна ҳажмли кемалар ўта олади. Келгусида ик. кинчи ўзанни қазиб битказиш планлаштирилмоқда, бу эса кемаларнинг айни бир вақтда иккала томонга ҳаракат қилишига имкон беради.

БАҒДОД. Саводсизликни тугатиш ташкилоти телевидение орқали ўқитиш программаларининг биринчи туркумини тайёрлашга киришди. Бу туркум 45 қисмдан иборат бўлади. Туркум авторлари араб адабий тили қонунларига мос бўлиб тушадиган ўқиш, ёзиш ва тилга ўргатиш учун телевизион ўқув қуролини яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўймоқдалар. Кейинчалик бир мунча мураккаблаштирилган программа асосида ўқитиш кўзда тутилади. Бу телевизион туркумлар савод-сизликни тугатиш курсларига қатнаётган кишилар учун мўлжалланган.

...

КУВАЙТ. Бу ерда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, Кувайт аҳолиси 1 миллион 673 минг 697 кишини ташкил этади. 1980 йилга нисбатан мамлакат аҳолиси 23.3 процент кўпайган.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ

ҚОБУЛ. АДР миллий ватан фронти Афғонистонда халқ ҳокимнятининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда бу оммавий нжтимоий-сиёсий ташкилот ўз сафларида мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг 700 мингдан кўп вакилини —пуштунлар, тожиклар, хазарлйлар, ўзбеклар, туркманлар, нурнстонликлар ва бошқаларни бирлаштириб турибди. Ўтган йилдагина республиканинг энг олис жойларида фронтнинг ўнлаб янги бошланғич ташкилотларн тузилди. Миллий ватан фронтига шахсан аъзо бўлганлар 85 минг кишига кўпайди. Булар орасида жамият энг кенг қатламларининг намояндаларн — ишчилар ва деҳқонлар, ҳунармандлар ва ватанпарвар муллалар, ўқитувчилар, врачлар, ижодкор зиёлилар бор.

Миллий ватан фронти меҳнаткашларнн халқ демократик партияси билан революцион ҳукумат белгилаган туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишга, Афғонистонда янги одилона жамият қуриш учун курашга сафарбар этиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда миллий ватан фронтининг жойлардаги ташкилотлари мамлакат тарихида биринчи давлат ҳокимнятн маҳаллий органларига ва бошқа бошқарув органларига яппн демократик сайловга фаол тайёргарлик кўрмоқда. Тобора кенг халқ оммасининг фронт фаолиятига жалб этилиши, деб ёзадн Бахтар агентлиги, революцион ўзгартишлар социал базасн кенгайганлигидан, халқ ҳокимнятн мустаҳкамланиб бораётанлигидан далолат беради

ДЎСТЛИК КЛУБИ ОЧИЛДИ

КАМПАЛА. Уганда пойтахтидан 150 километр нарндаги Бугнрн шаҳрндагн Уганда-Совет дўстлнгн клубн очилдн. Шаҳар касалхонасининг медикларн шу клубнннг ташкилотчиларн бўлдилар. Мана бнр неча йилдирки шу касалхонада совет врачларн уганлалик ҳамкасбларн билан биргаликда мувафақиятлн меҳнат қилиб келмоқдалар.

Касалхонанинг бош врачи, Калнннн давлат медицина институтнни битирнб чиққан Ч. Кибнрига клубнн очнш таклифини қабул қилган. Клубнинг биринчи мажлисида сўзга чиқиб, дўстлик клубн Бугнрн аҳолисига Совет Иттифоқи тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб олиш имконини берншнни таъкидлади. Совет Иттифоқининг вакиллари Угандада ва бошқа кўпгина рнвожланаётган давлатларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи фашизмга қарши Улуғ Ватан урушн йилларидаги жангларда ўзининг 20 миллион ўғлн ва қизидан жудо бўлдн. Фашизм бутун дунёни қул қилиш хавфини солаётган эдн, деб уқтирдн Ч. Кибнрига. Бутун тараққнпарвар инсоннят фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигнга бағишлаб кўргазма очилдн. Унинг экспонатларида афсонавий партизан, қаршилик ҳаракатининг актнв қатнашчнси, полковник Фабьен ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳуддн ана шу станцияда 1941 йилда у немис офицерини отиб ўлдирган эдн. Бу жасур ҳаракат кўплаб французларнн жангга отлантирнб, уларни фашизмга қарши актнв кураш олиб боришга ундагандн.

СУРАТДА: кўргазмада.

● ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

«Ўзбекистон» қурилмаси сув чиқариб беради

«Водремстроймаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида лойиҳалаштирилган «Ўзбекистон» қурилмаси Сифат белгиси олиш учун аттестациядан ўтказилди. Қурилманинг яратилиши —сув хўжалигинни бошқаришни такомиллаштириш йўлида қўйилган яна бир янги қадам бўлди.

Бошқа қурилмалардаги асосий камчилик шундан иборат эдики, улардаги бирорта қисм носоз бўлса, бутун ускуна ишлай олмасди.

Эндликда секциялар алоҳида-алоҳида ишлайдиган қилиб схемалаштирилган. Ҳар бир секция айрим ҳолда ремонт қилинади ёки бошқа эҳтиёт қисм билан алмаштирилиши мумкин. Умуман бутун система ишлайверади — фақатгина сув чиқариб бериладиган участкалардан бири унинг назоратида бўлмайди. Диспетчернинг командаси билан тўғон қулоқлари бошқа ускуналарда йўл қўйилган йигирма миллиметр ўрнига беш миллиметрдан сал кўпроқ фарқ билан очилади.

«Ўзбекистон» қурилмасидан олдинги «ТИМ—72» қурилмаси 70 километр масофада автомат равишда сув чиқариб беришни бошқариб турнш имкониятини яратади. Янги қурилма 120—140 километргача бўлган масофада хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиради.

«Ўзбекистон» қурилмаси қардош республикалар сув хўжалиги корхоналарига манзур бўлди. Тажриба ускуналари ҳозирнинг ўзида ёқ Тожикистон ССРнинг Вахш водийсига, Қозоғистондаги Чордара сув омборига жўнатилди.

Ҳозирча жами еттита ускуна яратилди, шу йилнинг охирига бориб эса улар 15 тага етади.

Конструкцияларни янада такомиллаштиришга оид ишлар давом эттирилмоқда.

— Навбатдаги босқич,— дейди лойиҳа автори, бирлашманинг автоматлаштириш бош технологи М. А. Цой,— диспетчер вазифасини бажарадиган электрон ҳисоблаш машинаси яратишдан иборат.

А. КЛИНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

● *Тольяттидан хат*

ОҚ ЙЎЛ, «ВАЗ—2104»!

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида зардорона ишлаётган Тольятти шаҳридаги СССР 50 йиллиги номли «АвтоВАЗ» енгил автомобиллар ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи катта меҳнат зафарини қўлга киритди. Шу йилнинг биринчи иш кунида завод бош конвейерида «Жигули» оиласининг янги аъзоси— «ВАЗ — 2104» маркали машинани ялпи ишлаб чиқариш бошланди.

«ВАЗ»чилар бундай меҳнат муваффақиятларига биринчи марта эришаётгани йўқ. Автозаводчилар амалий жиҳатдан ҳар беш йилда «Жигули»ларнинг асосий моделини яратишмоқда, ҳар йили янги модификацияси ўзлаштирилмоқда. «ВАЗ» коллективи ўзининг 15 йиллик тарихи мобайнида «Жигули»нинг 26 тадан ортиқ модель ва модификациясини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Дарвоқе, бу «ВАЗ» автозаводи эмас, балки бутун совет автомобиль саноати тарихида алоҳида диққатга сазовор воқеадир. Мамлакатимизда ҳали бирорта автозавод ўз маҳсулотини бундай суръатда алмаштирмаган. Ўтган йили тольяттилик автомобилсозлар завод конвейерини тўхтатмаган ҳолда янги комфортабелли «ВАЗ — 2108» машинасини қўллаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. «ВАЗ—2104» автомобили эса 1985 йил янгилигидир. 1986 йилда «ВАЗ» бошқалардан ортда қолиш ниятида эмас. Волга автомобиль заводининг индустриал қуввати ана шу даражада!

«ВАЗ—2104» машинаси «универсаль» кузовга эга бўлиб, «ВАЗ—2105» автомобили асосида яратилган. У ҳаммага маълум бўлган «ВАЗ—2102» модели ўрнига ишлаб чиқариляпти. Унда дунё автомобилсозлигининг сўнгги йилларда эришган ютуқлари ўз аксини топди. Такомиллаштирилган двигатель ва «Озон—2» типидаги янги карбюратор ўрнатилганлиги туфайли ёнилғи сарф этишни 10 процентга, двигателда чиқаётган заҳарли моддаларни икки марта, кузовнинг тебранишн ва шовқин даражасининг кескин камайтирилишига муваффақ бўлинди.

«ВАЗ—2104» ўз ўтмишдоши «ВАЗ—2102» га нисбатан гўзал ва дид билан ишланган. «Ноль» тўрт»нинг асбоблар шчити янги панель билан алмаштирилди. Бу ўз навбатида ҳайдовчига бошқариш қисмларини ўлчаш-текшириш ва ёритиш жиҳозларини назорат қилишда қулайлик яратди. Пассажир ва ҳайдовчига қулайлик яратиш борасида сунъий материаллар билан қопланган янги ўтиргичлар гавда тузилишига қараб мослаштириладиган, гигиеник нуқтан назардан жуда соз ишланган. Уларда баҳузур ўтириш мумкин.

Янги автомобиль яхши техник-динамик ва эксплуатацион кўрсатгичларга эга. У соатига 100 километр тезликка 18,5 секундда эришади. Тўрт цилиндрли, карбюраторли, 69 от кучи қувватига эга бўлган двигатель автомобилнинг тезлигини соатига 135 километрга чиқаришни таъминлай олади. Унинг двигатели ҳарорат минус 25 даража бўлганда ҳам енгил ўт олади. Автомобилнинг ғирлиги 1020 килограммдир. Автомобилнинг техник ҳолатини кўрсатувчи бирлик — ёқилғини контроль сарфи 7,5 литр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

«ВАЗ» мутахассисларининг фикрича, «ВАЗ—2104» машинаси «ВАЗ—2102» автомобилининг жиддий модификацияси бўлиб, у ўзида «ноль икки»нинг энг яхши сифатларини мужассамлаштирган. У ўз ўтмишдошидан қулайлиги, мустаҳкамлиги, хавфсизлиги, тежамкорлиги жиҳатидан ортиқ бўлса ортиқки, лекин қолишмайди. Ўйлайманки, «ВАЗ — 2104» автомобили «ВАЗ — 2102» сингари хизмат, саёҳат ва бўш вақтда онла аъзоларн билан дам олиш учун энг қулай автомобиль ва у автомобиль ишқибозларининг энг севимли машинаси бўлиб қолишига шак-шубҳа қилмаса бўлади.

Шундай қилиб, «Жигули»ларнинг янги онла аъзоси —«ВАЗ — 2104» ҳаётга йўлланма олди! Оқ йўл сенга, «ВАЗ—2104»!

Ш. ИБРОҲИМОВ,
инженер.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

3. ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

ЁКИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАЕРДА ВАҚТЛАРИНИ ЙЎҚОТИШЯПТИ?

Бир группа халқ назоратчилари милиция ходимлари ва прожекторчилар билан ҳамкорликда шу кунларда кинотеатрлар, магазинлар, бар, пиво дўконлари, бозорлар, модалар ателъелари ва шаҳар сартарошхоналари бўйлаб рейдлар ўтказишяпти. Бу жойларнинг танланишига сабаб шуки, айрим интизомсиз ишчи ва хизматчилар уларга боришда айнан иш вақтидан фойдаланмоқдалар.

Бугун биз Ҳамза районида ўтказилган рейд материалини эълон қиляпмиз.

Юк машинасида... кинога

ИШ қизғин пайт. Ҳамза номидаги кинотеатрда икки сериялн «Спартак» фильми намойиш этиляпти. Билетлар сотиб бўлинган. Улардан бирини дон маҳсулотларини муҳофаза этиш бўйича республика экспедициясининг ҳайдовчиси Рустам Омонович Хадажонов олиб, «20—16 ТНР» номерли юк машинасида фильмни кўргани келибди. У машинасини бир четга қўйиб, залга ошиқаётганда биз унн тўхтатдик.

— Бугун роппа-роса уч соат қиладиган ишим йўқ эди, — деб ўзини оқлади у. — Яна тўрт соат бўшман. Бекор ўтиргандан кўра кино кўрганим фойдалироқ.

Икки сериялн фильмга билет олган бахтиёрлардан яна бири Геннадий Иванович Шчербак эди. У ҳам ҳайдовчи. Тошкентдаги 17-ихтисослашган кўчма механизациялашган колоннада ишлайди. Кинога «05—12 ТШЦ» КаМАЗ машинасида келибди. Бир ўзи эмас, уч кишн бўлиб келган. У ҳам ўзинн оқлади. Унинг айтишича, ремонтда экан. Вақтдан фойдаланиб, кинога тушмоқчи бўлган. Шерикларининг фамилияларини айтмади. Эҳтимол, балки улар ремонтчилардир.

ҚИЗИҚ, машиналарнинг бўш турнб қолганлигн учун кнм ҳақ тўлайди! Бу ташкилотларнинг раҳбарлари ўз юк машиналари қаёқда йўл олганлнги, соатлаб гумдон бўлиб кетишн билан нақотки қизиқишмаса! Ҳатто «Узплодоовощтранс» раҳбарлари ўз ҳайдовчиси Сервер Нифиевич Абильтаровнинг ҳатти-ҳаракатнни қандай оқлар эканлар? У гўёки командировкада ҳисобланиб, машинасини Лисунов кўчасига қўйганда, кинога йўл олган.

Лисунов номли кинотеатрда «Севиш пайти келди» фильми намойиш қилинаётганда Ҳамза районидаги 13-магазин сотувчиси Акмал Аҳмедович Маҳмудов иш пайтида кино кўргани келган. У шоферлик курсига зарур бўлган справкани олиб бориб бериш учун ўз мудиридан рухсат сўраган эмиш. Виктор Николаевич Саяпин «Минмонтажспецстрой» автобазасида ишлайди. У ҳам кино кўрган келган. Унинг қўлида касаллик варақаси бор экан. Аслида у кўрпа-тўшак қилиб ётиши керак экан. Бунинг ўрнига маданий ҳордиқ чиқаргани келибди. Назоратчилар бу ерда Киров район ошхоналар трестнга қарашли 12-ошхона ошпази Мамажон Ёқубович Ёқубовни ҳам учратишди. У анализга қон топшириб келаман, деб сўраган эмиш. Кўриб турибсизки, анализга қон топширадиган одам севги тўғрисидаги фильмни томоша қилгани келибди.

ГАЗЕТАМИЗДА давлат машиналаридан ўз шахсий мақсадларида фойдаланаётганлар тўғрисида бир неча бор ёзилган. Газетанинг ҳар бир мақоласидан кейин тегишли ташкилотлар зарур чораларни кўриб, айбдорларни жазоладилар. Лекин бундан ҳанузгача тегишли хулоса чиқариб олмаганлар бор экан.

Иш вақти аллақачон бошланган. Спорт буюмлари магазини олдига КамАЗ келиб тўхтади. Бу машина «Средазэлеваторстрой» трестининг Ўрта Осиё ишга тушириш-созлаш бошқармасига тегишли. Машина ҳайдовчиси Михаил Александрович Чертов магазинга хотинини ҳам олиб келибди.

СОАТ 11 дан 40 минут ўтганда худди шу магазинга «28—59 ТНС» маркали «Латвия» автомобили келиб тўхтади. Ундан олтита киши тушиб, магазинга равона бўлишди. Улардан иккитасигина ўзини таништирди. Қолганлари ўзларининг исм-шарифларини яширишди.

— Нега иш вақтида магазинда юрибсизлар? —деб сўрашди назоратчилар.

— Мен Қаюмов бўламан. Йўл кўприк хўжалиги бошлиғи бўлиб ишлайман. Бу эса «Главпассавтотранс» 2-автотранспорт корхонасининг ҳайдовчисидир. Биз иш юзасидан юрибмиз. Йўлларни айланяпмиз.

Кишилар тартибни бузган жойнинг ўзида ушланганларида ўзларини ҳар хил тутишлари ажаблантиради. Қизиқ, улар ўз хулқ-атворларини коллектив йиғилишида қандай қилиб тушунтириб берар эканлар?

МАНА, «91—53 ТНЗ» маркали бошқа бир машина Жарқўрғон кўчасидаги сартарошхона олдида ўз «бошлиғини» кутиб турибди. Ҳамза районидаги спорт-техника клубининг инструктори Юрий Александрович Александров ўзининг бўш вақтини жуда эъзозлар экан. Шунинг учун ҳам фақат иш вақтида сартарошхонага борар экан.

«Ташсельмаш» заводи яқинидаги мебель магазинида одам гавжум. Халқ назоратчилари бу ердагиларга битта савол билан мурожаат қилишди: «Қандай қилиб иш вақтида магазинга келдингиз?»

М. К. Сильченко («Миконд» заводи кенг истеъмол буюмлари цехининг ишчиси): «Бошлиқ магазинга бориб келишимга рухсат берди».

Л. Т. Шосаидов («СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғув цехининг ишчиси): «Бунда ўзим айбдорман. Ким шундай ҳолга тушмайди дейсиз...»

З. Мусаев (Шампань винолари заводининг лаборанти): «Менинг ишим шундайки, доимо у ерда бўлишим шарт эмас. Шунинг учун айланиб томоша қилиб келаман тоҳида».

Домбровская ва Бернадер (Меҳнат институтининг кичик илмий ходимлари): «Биз ярим соатга сўраб чиққан эдик».

Биз бу ерда меҳнат интизомини бузганларнинг бир қисмнигина тилга олдик, холос. Уларнинг иш вақтида бошқа ерларда юришганини коллективларнинг йиғилишларида албатта муҳокама қилишади.

ЭКОНОМИКАДА эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва янада олға бориш учун ҳамма жойда тартиб-интизомни йўлга қўйиш, давлат, план ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўриш керак. Партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1983 йилда қабул қилинган «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари бунга алоҳида эътиборни қаратган эди.

Бу борада КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида шундай дейилган эди: «Интизомни мустаҳкамлаш —қисқа муддатли кампания эмас, балки кун сайин қунт билан қилинадиган ишдир. Бинобарин, маъмуриятгина эмас, балки меҳнаткашлар ҳам бу ишда бевосита қатнашган тақдирда, бу иш оммани тажрибасига, онглилигига ва ғраждандик активлигига таянган тақдирдагина муваффақият таъминланади».

НАЗОРАТЧИЛАРНИ яна бир нарса жуда ташвишга солдики, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни истардик. Туш пайти эди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 12-ремонт-қурилиш бошқармаси том ёпиш бригадаси аъзолари пиво барида ичиб ўтиришган экан. В. А. Фокн, Г. В. Ельцов, А. М. Есиленко, А. Д. Борисов Лисунов кўчасидаги уйлардан бирининг томини ремонт қилишади. Халқ назоратчилари том устида ишлайдиган бу кишилар қатиқ ёки сут ичиб ўтиришган бўлса керак деб ўйлашди. Ҳолбуки, қурувчиларнинг ҳар бири олдида тўла кружкалар бор эди.

Шунингдек бу ерда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари — слесарлар А. Дерявин, Владимир ва Виктор Гусейновлар туришган экан.

Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлисида интизомни мустаҳкамлаш ва жамият ҳаётидан социализмга ёт илатларни йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Сиёсий бюро меҳнаткашларнинг кўп лаб таклифларини ҳисобга олиб ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масаланн ҳар томонлама муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети ичкиликбозликка барҳам беришнн катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган социал вазифа деб қарайди.

Ўйлаймизки, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасининг 12-ремонт-қурилиш бошқармаси коллективи ва раҳбарлари пиво барндаги воқеага тегишли баҳо берадилар.

Н. УСМОНОВ, Ҳамза район халқ контроли комитетининг раиси; А. РАСУЛОВ, Ҳамза район ички ишлар бўлимининг бошлиғи; С. РОМАНОВ, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси; С. ГРОХОВСКАЯ, штатсиз мухбиримиз; Т. ДАГЖИ, «Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.



Парнж метросининг «Барбес-Рошуэар» станцнясида фашистлар Германияси устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб кўргазма очилдн. Унинг экспонатларида афсона-

• Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

ҒАЛАБАГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тематик павильонида совет халқи Улуғ Ватан урушн йилларида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган виставка очилди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ ленинчи партия чақириғига биноан совет кишилари социалистик Ватан ҳимоясига отландилар. Уша кунларда «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган шиор ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлди. Дастлабки кунларда республикамиздаги ҳарбий комиссариатларга 30 мингдан зиёд киши фронтга юборишларини сўраб ариза берди.

Республикамизда беш та миллий дивизия тузилди.

Ўзбекистонлик жангчилар уруш фронтларида мардлик ва матонат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлардан 1753 киши «Москва мудофааси учун» медаллари билан тақдирланди. 47-дивизиянинг 353-тоғ ўқчи полки оддий аскари Қўчқор Аҳмедович Турдиев Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланди. Ҳозирги пайтда у Андижон областининг Қўрғонтепа районидаги «Ойим» шолиқорлик совхозида бригада бошлиғи бўлиб ишламоқда. 216-полк 2-ўқчи батальонининг радисти, кичик сержант Елена Константиновна Стемпковская ўлимидан кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланди.

Ўзбекистонликлард а н 2733 жангчи «Сталинград мудофааси учун» медалларини олишга сазовор бўлдилар. Уруш йилларида 11 ўзбек жангчиси Александр Матросов жасоратини такрорлади.

Днепр дарёсини кечиб ўтишда ўзбекистонлик жангчилардан юзга яқин киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олди. Улар орасида ефрейтор, 206-ўқчи дивизиянинг 722-автоматчилар ротаси бўлими командири Алабой Қорабоев бор. У ҳозирда шахсий пенсионер. Гвардия сержанти, 211-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 4-ўқчилар ротаси взвод командири ёрдамчиси Азим Раҳимов ҳам шундай жасорат кўрсатган. Ҳозирда у «Бухорооблколхозстрой» трестида ишламоқда.

Фашист босқинчиларига қарши бўлган жангларда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун ўзбекистонлик жангчилардан 120 минг киши орден ва медаллар билан мукофотланган. Улардан 280 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони олган, 32 киши «Шуҳрат» орденларининг тўлиқ кавалерларидир.

Ана шу жангларда мамлакатимизнинг барча меҳнатчилари шижоат билан қатнашдилар. Юздан ортиқ корхона Ўзбекистонга кўчирилган эди. Республикамиз корхоналари уруш йилларида йинглаб самолёт, авиамотор, миномёт, миллионлаб мина, авиабомба тайёрлаб фронтга юборишди.

Ўзбекистон қишлоқларининг меҳнатчилари давлатга 4,8 миллион тонна пахта, 1,3 тонна буғдой, 159 минг тонна гўшт, 57,5 минг тонна мева ва узум, 482 минг тонна картошка, сабзавот ва бошқа маҳсулотларни топширишган. Республика аҳолиси мудофаа фонди учун 4 миллиард 700 миллион сўм пул, заём, қимматбаҳо металлар тўплаб топширишган, минглаб оилалар диёримизга кўчириб келтирилган ва улар бошпана билан таъминланган. Бир сўз билан айтганда бутун совет халқи Буюк Ғалабага муносиб ҳисса қўшди.

* * *

СУРАТЛАРДА: кўргазма залларида.

Т. Каримов фотолари.

Унинг экспозицияларн ўзбекистонликларнинг Германия фашизми устидан қозонилган Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қиладн.





МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ЛАВҲАЛАРИ

Ўзбекистон кино санъати музейини томоша қилувчи ҳар бир киши нигоҳини Улуғ Ватан уруши даври кинематографчилар фаолиятини тасвирловчи залга қўйилган «Ҳамкорлик» картасини дарров ўзига тортади.

Бу картинани истеъдодли ёш рассом Саъдулла Абдуллаев яратган. Унда Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек киночилари билан ҳамкорликда ижод қилган бир қатор рус, украин, белорус кино санъаткорларининг янги фильмларни муҳокама қилаётган пайти тасвирланган.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз урушнинг дастлабки кунлариданоқ кино санъати тақдирига жиддий назар билан қаради. Тошкентга «Мосфильм», «Ленфильм», Белоруссия, Украина киностудияларининг қатор санъаткорлари эвакуация қилинди. Шулар орасида М. Ромм, Я. Протозанов, Л. Свердлин каби кино усталари бор эдиларки, улар фронт орқасида жуда катта ижодий иш олиб бордилар.

Бу картина уруш даврида «Ўзбекфильм» киностудиясининг ижодий совети аъзолари бўлган, ўзбек киноси отахони Наби Ғаниев, Комил Ерматов, Раҳим Пирмуҳамедов, Йўлдош Аъзамов, Зоҳид Собитов, Я. Протозанов, М. Ромм, В. Еремян, Л. Свердлин ва киноактёрлар Р. Ҳамроев, Шукур Бурҳоновларнинг иш вақтини акс эттиради. Айни вақтда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рассом юқоридаги санъаткорлар психологиясини чуқур ўрганган ҳолда аниқ ва ишонарли даражада тасвирлай олган.

Дарҳақиқат, Улуғ Ватан уруши йилларида интернационал санъаткорлар группаси катта ишларни амалга оширдилар. Она Ватан учун жон олиб, жон бераётган жангчилар руҳини кўтара оладиган, уларнинг кайфиятларига мос тушадиган, тарихий воқеаларни, халқ оғзаки ижодига асосланган комик характерли саргузаштларни тасвирловчи кино лентлари яратдилар.

Узоқ ўтмишни эслатувчи ўзбек халқи тарихи ва яшаш тарзини кўрсатувчи, буюк шоир ҳамда аллома ва давлат арбоби Алишер Навоийга бағишланган жаҳонгашта фильм «Алишер Навоий, инсоний ҳис-туйғуларни, инсоний муҳаббатни, самимий муҳаббатни, садоқатини, ёвузликка қарши курашни тараннум этувчи «Тоҳир ва Зуҳра», ўзбек халқ қаҳрамони, ҳар қачон ёвузлик устидан ғалаба қозонувчи Насриддин саргузаштларини тасвирловчи «Насриддин Бухорода» ҳамда «Насриддиннинг саргузаштлари», гражданлар урушининг қаҳрамони Александр Пархоменко жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи «Александр Пархоменков», монгол халқининг содиқ фарзанди Сухэ Баторга бағишланган «Уни Сухэ Батор дердилар» каби қатор ленталар ана шу йиллар маҳсулотидир.

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги «Жанговар кинотўплам»нинг 8 ва 11 сонлари Тошкент киностудиясида яратилди. У мустақил уч ҳикоядан иборат бўлиб, «Ўргимчаклар», «102-километр», «Лейтенант Гаппонинг мартабаси» деб аталади.

Уша оғир йилларда халқимизни жасоратга, ғалабага чорлаган «Биз енгамиз» фильми бир неча ҳафтада суратга олинди. Бу картина «Доҳий чақириғига биноан», «Жанговар дўстлар» каби қисқа метражли фильмлар қатори фронтда ва фронт ортида жасорат кўрсатаётган солдатлар, хотин-қизлар, ўсмирлар, кексаларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Йирик кинолентлар яратиш учун тайёргарлик кўриш билан бир қаторда кичик ҳажмдаги фильм-концертлар яратиш йўлида жонбозлик кўрсатилди. 1941 — 1944 йиллар давомида тўртта ўзбек киноконцерти яратилиб фронтга, жангчиларга совға қилинди. Фильм-концерт (1941 йил сценарий муаллифлари С. Муҳамедов, К. Ерматов, режиссёр Й. Аъзамов), «Фронтдаги дўстларга» (1942 йил, сценарий муаллифлари: И. Склют, К. Ерматов), «Беш республика концерти» (1944 йил, сценарий автори А. Спешнев, режиссёр З. Собитов) сингари музикали лентларда ўзбек ижрочиларининг санъатларигина эмас, балки қирғиз, туркман, тожик, қозоқ халқларининг созанда ва раққосаларининг ашула, куй ва шўх ўйинлари ҳам акс этган. Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Тамара Назарова, Ҳалима Раҳимова, Шаҳодат Раҳимова, Наби Раҳимов, Сойиб Ҳўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Боборахим Мирзаев, Муҳиддин Қори Ёқубов, Маъмуржон Узоқов, Шукур Бурҳонов, Лутфилла Нарзуллаев, Жўрахон Султонов каби хонанда ва созанда, актёр ҳамда раққосалар иштирокида яратилган бу фильмлар ҳалигача ўзининг эстетик қимматини сақлаб келмоқда.

Кўргазма залига ўрнатилган ойнаванд шкафда «Генерал Раҳимов», «Фарҳоднинг жасорати», «26-чиси отилмасин», «Ой бориб омон қайт», «Алишер Навоий» ва «Тоҳир ва Зуҳра» каби бадний фильмларда суратга олинган костюмлар сақланмоқда. Бундан ташқари, «Самолётлар қўнолмади», «Фарҳоднинг жасорати», «Улар танҳо эмасдилар» каби фильмларнинг мураккаб съёмкаси учун ишланган макетлар ва жанг майдонларида қаҳрамон халқимиз фидойилигини суратга олган киноаппаратлар намойиш этилмоқда.

«Сен етим эмассан», «26-чиси отилмасин», «41 йил олмалари» ҳамда «Генерал Раҳимов», «Ватан ўғлонлари» ва «Сўнмас қўшиқ» каби лентлар 60-70 йилларда яратилган. «Биз енгамиз» фильм-плакати эса йирик асарлар яратиш йўлида қўйилган дастлабки, айни пайтда дадил қадам бўлган эди.

Э. ҚОДИРОВ.
СССР Журналистлар союзи аъзоси.

ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИДА

ЛЕКТОРИЙ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи илмий ходимлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан «Совет рассомлари ижодида Улуғ Ватан урушн» туркумидаги лекторийни ташкил этдилар.

Музейнинг лекциялар ўқиш залида дам олиш кунига мўлжалланган лекторий: «Совет Армиясида рассомчилик», «СССР халқ рассоми А. Дейнека ижоди», «Рассом В. А. Фаворский», «В. Е. Попков ижоди», «Ўзбекистон рассомлари ижодида Улуғ Ватан урушн» каби лекциялардан ташкил топган.

Кун-кеча лекторий ўз ишини бошлади. Лекция залида ўқилган «Совет Армиясида рассомчилик» мавзуидаги лекция юзга яқин музей томошабинларида яхшн таассурот қолдирди. Совет санъатн бўлимн илмий ходимн, санъатшунос Вера Хоминская совет рассомларининг Улуғ Ватан урушн даврида яратган асарларидан намуналарнн рангли тасвирларда намойиш қилдн ва шу асарларнинг яратилиш тарихн, ғоявий мазмунн билан таништирнб, лекцня сўнггида санъат мухлисларн саволларнга қизиқарлн жавоблар қайтардн.

Ушбу лекторийдан ташқарн музей илмий ходимлари республикамизнинг Улуғ Ватан урушида қатнашган рассомлар: республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Зокир Иноғомов, республикада хизмат кўрсатган маданият ходимн Ҳикмат Раҳмонов, Совет Иттифоқи Қаҳрамонн, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Самир Абдуллаев кабилар ҳақида ҳам лекциялар ёзнгган. Ушбу лекциялар музейдагина эмас, республикамизнинг турли жойларида ўқилмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига республикамиз қўғирчоқ театрлари ҳам муносиб ижодий армуғонлар ҳозирлашмоқда. Республика қўғирчоқ театри бу сана олдидан болаларни мардлик ва қаҳрамонликка даъват этувчи янги спектаклни тайёрлашга киришди.

Ёш драматург Н. Рўзимуҳамедови н и г «Качал Полвон фашистлар билан қандай урушдн» деб номланган мазкур пьесаси халқ ижоди анъаналари асосида ёзилган. У саргузашт воқеаларга бой.

Шуни ҳам айтиш керакки, ана шу қувноқ спектакль айни бир вақтда андижонлик томошабинларга ҳам тақдим этилади. Андижон қўғирчоқ театри ҳозир «Качал Полвон фашистлар билан қандай урушдн» пьесасини саҳналаштириш устида қизғин иш олиб бормоқда.

А. АЛИЕВ.





Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институтн олимларн бнр қатор илмий изланишларнн ҳаётга тадбиқ этишмоқда. Бу ердаги кўплаб бўлимлар, лабораторнялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Институт ходимларн республикамиз территориясидаги табиий бойликларнни ўрганиш борасида кўплаб илмий изланишларнн олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1-Геология бўлимининг илмий ходимлари И. И. Морозова, М. Н. Тхай ва И. Маъзумовлар илмий кузатиш олиб боришяпти. 2. Минераллар таркибини ўрганувчи рентген ниженери Шоҳида Толпова иш устида.

В. Скроткин фотоси.

М. ГУРЗЕД.

ҚУВУРДАГИ БАРМОҚ

ҲАЖВИЯ

Бу воқеа Георг квартирасида ёлғиз ўзи қолган пайтда содир бўлди. Аввалига у қаердадир сувнинг шалдираб оқаётганини эшитиб қолди. Югуриб ётоқхонага кирди. Марказий иситиш системасининг бир трубаси ёрилган, тешикдан исиқ сув фавворадек отилиб ётарди. У дастлаб мушти билан тешикни ёпмоқчи бўлди, аммо сув ён томонларга сачраб кетди. Шунда у кўрсатгич бармоғини тешикка тиқиб сувни тўхтатди, иккинчи қўли билан телефонни олиб ЖЭКга қўнғироқ қилди. Трубкадан аёл кишининг ёқимли овози эшитилди:

— Марҳамат қилиб адресингиз ва фамилиянгизни айтинг. Менга битта ручка беринг.

— Сизга ручка беролмайман, — деди Георг,—ахир мен бармоғимни тешикдан чиқара олмайман-ку.

— Бемаъни ҳазилингизни қўйиб туринг, —деди аёл, — ручка сўраганимда сизни эмас, ёнимдаги қамксабларимни назарда тутяпман. Раҳмат.

— Арзимайди, арзимайди, —деди Георг таваллуф билан.

— Нима арзимайди? Қанақа одамсиз ўзи? Сизга эмас, ручка берган кишига раҳмат айтаяпман. Энди марҳамат қилиб исму-фамилиянгизни айтинг.

— Ахир ҳозиргина айтдим-ку исму-шарифимни...

— Тўғри, аммо у пайтда қўлимда ручка йўқ эди-да. Агар исмингизни айтиш сизга қийинлик қилаётган бўлса...

— Йўқ, йўқ, айтаман,—қичқирди Георг бармоғини иссиқ сувда тобора куйиб бораётганини ҳис қилиб.

У шошилиб адреси ва фамилиясини айтди, сўнг қичқирди:

— Ортиқча чидолмайман, тоқатим тоқ бўлди.

— Чидолмасангиз нега телефон қиласиз?

— Ахир иложсизликдан телефон қиляпман-да, — деди Георг паст товуш билан.

— Яхши,— деди аёл шодланиб, — энди батафсил сўзлаб беринг. Нима воқеа юз берди.

— Ётоқхонамдаги марказий иситиш системасининг трубаси ёрилиб кетибди. Тешикка бармоғимни тиқиб, сувни тўхтатиб турибман. Ортиқ чидай олмайман. Бармоғим ҳеч нарсани сезмай қолди. Эҳтимол у аллақачон пишиб ҳам қолгандир.

— Тешикдан сув чиқаяптими? — сўради аёл.

—Йўқ, йўқ —увиллади Георг.

— Яхши, демак ҳали пишиб улгурмапти, — тинчлантирди уни аёл.

— Тезда сантехникни жўнатинг.

— Хўп, мен ҳозир унга трубкани бераман.

— Менга телефонга эмас, уйимга келадиган сантехник керак.

— Сантехнигимизнинг айтишича, уйингиз жуда узоқ экан. Хоҳласангиз у сизга телефон орқали бир неча маслаҳатлар бериши мумкин.

— Ахир унгача бармоғим қуйиб тамом бўлади-ку.

— Сантехнигимиз сўраяпти, қайси бири?

— Кўрсатгич бармоғим.

—Сиз уларни вақтивақти билан алмаштириб туришингиз керак экан, тушундингизми?.

Суҳбат шу ерда узилди. Георг тез орада бутунлай ҳушдан кетишини ҳис қилиб, шошилинч бошқа номерга телефон қилди.

Беш минутдан кейин тез ёрдам машинаси етиб келди. Врач Георгнинг куйган бармоғини тешикдан чиқариб олди-да, малҳам суртиб боғлаб қўйди. Кейин у (олдин сантехник бўлиб ишлаган шекилли) ёрилган труба тешигини ҳам мустаҳкам қилиб ёпиб ташлади.

— Катта раҳмат! — деди Георг инқиллаб, —сиз тўғрингизда газетага мақола ёзаман. Жамоатчилик менга кўрсатган ёрдамингизни албатта билиб қўйиши керак.

— Йўқ, йўқ, илтимос ёза кўрманг! — қичқирди врач, —агар ёзадиган бўлсангиз сантехник қолиб одамлар бизга қўнғироқ қиладиган бўлиб қолишади.

Йўлдош ПАРДАЕВ
таржимаси.



ҚОЗОҒИСТОН ССР. Олмаота шаҳридаги «Минерт» 190-болалар боғчасида ўғил-қизларни мактабга ҳозирлаш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда бўлажак мактаб ўқувчиларн санашни, ўқишни, унча мураккаб бўлмаган масалаларни ечишни, фикрлаш қобилиятини яхшилаш борасида амалий машғулотлар ўтказишади. Боғчада тарбияланувчиларнинг меҳнатга бўлган қобилиятини ўстиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Шу билан бирга боғчада тарбияланувчиларни н г спорт машғулотларн билан шуғулланнш учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Ҳар томонлама камол топаётган болалар соғлом ва бақувват бўлиб катта бўлишяпти.

СУРАТДА: боғча тарбиячиси Н. А. Гаврилова мактабга бораднган тарбияланувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

В. Зинин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



• *Бизнинг интервью*

ЙЎЛЛАР БЕХАТАР БЎЛСИН

«Тошкент оқшомн»га келаётган ўнлаб хатларда газетхонларимиз шаҳар Давлат автоинспекцняси бошқармаси фаолиятн билан боғлиқ у ёкн бу саволга жавоб берилишини сўрашади. Айнқса, ҳайдовчилнк гувоҳномаси алмаштирилиши ва йўл ҳаракати қоидаларнни бузганлнк учун маъмурий таъсир чоралари кўрилиши кўпчилкни қизиқтиряпти. Мухбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги М. А. ВАУЛИНга мурожаат этиб, ана шу ва бошқа саволларга жавоб беришини сўради.

— Михаил Андреевич, кўпчилик газетхонларни қизиқтираётган савол шуки, 1985 йилгача алмаштиришга улгурмаганларнинг эски ҳайдовчилик гувоҳномалари янгисига қандай алмаштирилади?

— 1951 йилдан 1970 йилгача бўлган даврда берилган барча эски нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари граждалар томонидан 1985 йил 1 январгача ягона ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштирилиши керак эди. Кўпчилик ҳайдовчилар бунга улгуриш мади. Шу муносабат билан СССР Ички ишлар министрлиги раҳбарлиги алмаштирув муддатини 1985 йил 1 октябргача узайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу йил 1 октябрдан бошлаб эски нусхадаги ҳайдовчилик гувоҳномалари бекор қилинади.

Кейинги 12 ой мобайнида транспортни бошқармаган гражданларнинг ҳайдовчилик гувоҳномалари назарий ва амалий имтиҳон топширганларидан сўнг алмаштириб берилади.

— Газетамизнинг доимий ўқувчиси автоҳаваскор Ҳ. Шарипов қуйидаги саволга жавоб берилишини сўраган: «Мен светофорнинг қизил чироғида чорраҳадан ўтиб кетдим. ГАИ инспектори мендан 5 сўм жарима солди. Мен жарима тўлаганимдан сўнг талонимни тешиб беришди. Нима учун Давлат автоинспекцняси мени битта қоида бузилиши учун икки марта жазолади?»

— Давлат автоинспекцияси вакили автоҳаваскор Ҳ. Шариповга нисбатан мутлақо тўғри йўл тутган. СССР Олий Совети Президиумининг «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Фармони 1983 йил 1 сентябрдан кучга кирган. Фармон билан бир пайтда ҳайдовчилик гувоҳномасига янги талон жорий этилди. Эндиликда, йўл ҳаракати Қоидаларини бузганлигн учун ҳайдовчига Фармонга мувофиқ жазо берилган кўпгина ҳолларда, бу факт талон тешилиб қайд қилинади. Янги талонда жазо берилгани ҳақида талонга белги қўйилиши керак бўлган йўл ҳаракати қоида бузилишлари рўйхати кўрсатилган.

Талонга белгидан ташқари қоида бузилган сана ва шифр қўйилади. Демак белги ҳайдовчига Фармонда кўзда тутилган жазолардан бири берилганини акс эттиради ва бир йил давомида қоида бузилишнинг такрорланишини аниқлаш имконини беради.

— Ҳ. Шарипов билан бўлган ҳолда эски нусхадаги талон ҳақида сўз юритиляпти. Қандай ҳолларда талон тешилмайди?

— Янги талонда кўрсатилган бюро қоидабузарлик сабабли автоинспектор ҳайдовчини тўхтатганида, бу ҳақда талонга белги қўйилади ва тешилади. Талонда кўрсатилмаган қоида бузилишлари учун ҳайдовчига жарима солиниши ёки талон тешилмай огоҳлантирилиши мумкин. Масалан, ҳайдовчи хавфсизлик тасмасини тақмаган бўлса талонга белги қўйилмай, унга уч сўмгача жарима солиниши мумкин. Яна бир нарса. Янги Фармоннинг биринчи бандига кўра, ҳосо транспорт воситасини бошқарганлиги учун ҳайдовчи огоҳлантирилади ёки унга 3 сўмдан 10 сўмгача жарима солинади. Бундай ҳолда ҳам ҳайдовчилик гувоҳномаси талонига белги қўйилмайди.

— Михаил Андреевич, газетхонларнинг айримлари ГАИ билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун кўп вақт сарфлашларига тўғри келаётганидан шикоят қилишяпти. Гражданлар қабул қилинишини яхшилаш борасида нималар қилиняпти?

—Чиндан ҳам яқин вақтларгача ГАИда гражданларни қабул қилиш масаласи тўла ҳал этилмаган эди. Ҳолбуки, ҳар куни автомототранспорт воситаларини ҳисобга қўйиш ва ҳисобдан чиқариш, маъмурий чоралар кўрилиши йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳон топшириш масалалари билан ГАИ бошқармасига бир мингга яқин киши мурожаат этади. Вақтни тежаш, шунингдек, гражданларнинг таклиф ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб, ҳозир қўйидагича қабул кунлари ва соатлари белгиланди: душанба — 10 дан 18.00 гача; сешанба — 12.00 дан 21.00 гача; чоршанба —9.00 дан 18.00 гача; пайшанба — 9.00 дан 13.00 гача; жума — 12.00 дан 21.00 гача; шанба — 8.00 дан 16.45 гача. Бундан ташқари маъмурий чоралар кўрилиши учун гражданлар қабул қилинувчи иккита пункт ташкил этилди: биринчиси— ГАИ бошқармасининг маъмурий биноси — Глинка кўчасидаги 44- уйда, иккинчиси — йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ҳайдовчилик гувоҳномасининг огоҳлантириш талонини олиб қўйиш билан боғлиқ масалалар бўйича —Тошкент Ҳалқа йўли ва Катта Ўзбек тракти кесишган жойидаги ГАИнинг доимий постида-Айрим маъмурий қоида бузилишларини йўл-патруллик хизмати инспекторлари қоида бузилган жойнинг ўзида кўриб чиқишади.

— Давлат сектори автомобилларининг ҳайдовчиларини яна бир бор савол қизиқтиряпти. Узоқ рейсдан ёки командировкадан қайтиш ярим тунга тўғри келса, ҳайдовчи машинани ўз уйи ёнида қолдириши мумкинми?

— Йўқ, мумкин эмас. Автомобиль рўйхатда турган жойдаги охирги пунктга етиб келган ҳайдовчи ҳар қандай пайтда уни автохўжалик гаражига қўйиши, келиш вақти ва автомобилнинг техник ҳолатини қайд этиши, қоровулга топшириши шарт. Автокорхоналарнинг кўпида тунда ҳайдовчиларни уйларига элтиб қўювчи навбатчи автобуслар бор.

— Иссиқ кунлар бошланган кеча-ю-кундузи шовқин қилиб юрган мотоцикл ҳайдовчилари устидан гражданларнинг шикоятлари кўпаймоқда. Бунга ГАИ ходимларининг муносабати қандай?

— Мотоцикл ҳайдовчиларининг асосий «касали» транспорт воситасидан фойдаланиш ва регистрациядан ўтказиш қоидалари бузилаётганлиги ҳисобланади. Дудбурони олиб ташланган, номерсиз мотоцикларни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ва бошқа регистрация ҳужжатларисиз кўчага ҳайдаб чиқаётганлар анчагина. Табиийки қоидабузар мотоциклчиларни аниқлаш юзасидан ГАИ ходимлари томонидан кўп иш қилиняпти. Лекин бу ишнинг мураккаб томони шундаки, на аҳоли ўртасидаги активлар, на ёш мотоциклчиларнинг ота-оналари бу муҳим ишда бизга ёрдам беришни истамаяпти.

Катталар томонидан ёш қоидабузарларнинг ҳатти-ҳаракати устидан етарли назоратнинг йўқлиги оқибатида баҳор-ёз фаслида ҳайдовчилар айби билан содир бўладиган йўл ҳодисаларининг учдан бир қисми мотоциклчилар ҳиссасига тўғри келади.

Ота-оналар, ЖЭКлар ва маҳалла комитетларининг вакиллари мотоцикл, мопед ва мотороллери бўлган ёшларнинг хатти-ҳаракатини қаттиқ назорат этмоқлари керак. Ишончим комилки, шундай қилинганда мотоциклчилар билан рўй бериши мумкин бўлган йўл ҳодисалари сонини кискартириш ва микрорайонлар аҳолисини ортиқча шовқиндан муҳофаза қилиш имконияти пайдо бўлади.

Сўзимнинг ниҳоясида айтиб ўтишни истайманки, партия, комсомол ва Совет органлари, шунингдек меҳнат коллективлари йўлланмаси билан шахсий составнинг Тошкент шаҳрида яшовчи ялғор ишчилар ва хизматчилар ҳисобига тўлдирилиши ГАИ ишини такомиллаштиришга ёрдам беряпти.

Давлат автоинспекциянинг ҳар бир ходимига конкрет корхоналар ташкилотлар ва муассасалар ҳамда умумий таълим мактаблари бириктириб қўйилган. Улар ҳуқуқ тартиботга қаттиқ риоя этилиши ва йўл ҳаракати ҳавфсизлиги таъминланишига қаратилган ишлар олиб боришяпти. Бунда йўл ҳаракати иштирокчилари билан ҳушмуомала ва илтифотли муло қотда бўлинишига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шунга қарамай, йўл-патруллик хизмати инспекторларининг гражданларга қўпол муносабатда бўлиши, шикоят ва аризалар сифатсиз кўриб чиқилиши, таъмагирлик ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш ҳоллари ҳануз барҳам топганича йўқ. Бизда бундай салбий кўринишларга қарши муросасиз курош олиб бориляпти. ГАИ ходимлари сафини турли хил хизмат интизомини бузувчилар ва нопоклардан тозалаш ишлари кучайтириляпти. ГАИ ходими сифатида гражданларга кўпол муносабатда бўлган ва хизмат интизомини бузган милиция катта лейтенанти В. Валиченко, милиция сержанти Т. Дўстматов, кичик сержант Д. Ҳамидов ички ишлар органларидан бўшатилдилар.

Бундай чоралар сафлари-мизни «тасодифий» кишилардан бундан кейин ҳам тозалаб боришга хизмат қилажаги ходимларимизни ўз хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам беражаги шубҳасиз.

«ТЎНЛИ» ЧИГИТЛАР

«Тўнли» чигитнинг ҳосили одатдаги чигитга нисбатан 6—9 центнер кўп ва тезпишардир. Туркманистонлик деҳқонлар ипак пахта уруғлик чигитини шу тарнқа экишга киришдилар.

Экин-тикинда «Туркменсельхозхимия» ходимлари ҳам пахтакорлар билан бирга қатнашмоқдалар. Улар уруғлик чигитга ишлов бериш янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу технология бир мунча содда ва қимматга тушмайди: парда ҳосил қилувчи модда бетон қорадиган одатдаги машинага қўйилади. Уруғлик чигит ана моддага ботирилади. Бу иш ўзини кўп марта қоплайди. Тўнли чигит об-ҳаво инжиқликларига, зараркунандаларга анча бардошлидир. Бунинг устига етарлича микроэлемент запаси билан экнлади ва натижада тезроқ ўсади. Шу йил полимер тўнли чигит асосан Қорақум канали зонасида 40 минг гектардан зиёд ерга экилади.

ТАСС мухбири.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет. оқшоми

16 АПРЕЛЬ. 1985 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ХОЛИС НИЯТЛАР»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифи —А. ЛИХАНОВ.

Режиссер — А. БЕНКЕНДОРФ.

Ролларда: М. ЯКОВЛЕВА, Ю. ПЛАТОНОВ, Р. МАРКОВА ва бошқалар.

Фильм Альберт Лиханов повести асосида суратга олинган. Томошабинлар картина орқали «бамаънилик, яхшилик, боқийлик»ни тарғиб қилиб келган рус ўқитувчиларининг ажойиб анъаналарини давом эттираётган, ўз касбининг мафтуни бўлган ёш педагог Надежда Георгиевна билан таништадилар.

А. ДОВЖЕНКО НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

Турист

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА ҚИЗИҚАРЛИ САЁҲАТЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИСЛОВОДСККА (хусусий сектор)— **21 апрель-10 май, 12-31 май кунлари.**
Путевка баҳоси —285 сўм.
ПЯТИГОРСК-«ОЗЕРНИЙ» ТУРИСТИК КОМПЛЕКСИГА —**29 май-12 июнь кунлари 15 кунга.**
Путёвка баҳоси —228 сўм.
КАУНАС-САУЛЕСКАЛНС-СИГУЛДАГА —**30-14 июнь кунлари 15 кунга.**
Путёвка баҳоси —405 сўм.
ВИЗУ-СААРЕМААГА —**4-13 май, 30 май-8 июнь кунлари 10 кунга.**
Путёвка баҳоси —273 сўм.
ПСКОВ-КЛАЙПЕДАГА —**10-24 май кунлари 10 кунга.**
ВИЛЬНЮС-СВЕТЛОГОРСККА — **30 май-11 июнь кунлари 13 кунга.**
Путёвка баҳоси —294 сўм.
ВЕНТСПИЛС-РИГАГА —**8-17 май кунлари 10 кунга.**
ТУАПСЕГА (хусусий сектор) —**30 апрель-19 май, 21 май-9 июнь кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —313 сўм.
ЯЛТАГА (хусусий сектор) —**10-30 май кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —330 сўм.
АДЛЕРГА (хусусий сектор) —**2-22 май кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —290 сўм.
СОЧИГА (Дагомис поселкасига, хусусий сектор) —**10-30 май кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси — 290 сўм.
«БАЗАЛЕТИ» ТУРИСТИК БАЗАСИ — ЗМИСГА (хусусий сектор) —**26 май-15 июнь кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —312 сўм.
«БАЗАЛЕТИ» ТУРИСТИК БАЗАСИ — СУХУМИГА (хусусий сектор)—**19 май-8 июнь кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —305 сўм.
СОЧИГА (хусусий сектор)— **10-30 май кунлари 20 кунга.**
Путёвка баҳоси —296 сўм.
ПЛЕС-ИВАНОВОга — **29 май-14 июнь кунлари 18 кунга.**
БОЛАЛИ ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАРШРУТ.
ХАРЬКОВ-«ВАСИШЕВО» ТУРИСТИК БАЗАСИ —**25 май-13 июнь кунлари 20 кунга.**
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, телефон 39-13-19.

ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ УЧУН!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

ҲАР ЙИЛИ 1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

БАҲОРГИ-ЁЗГИ МАВСУМДА АҲОЛИГА САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БУЙРУҒИГА БИНОАН

ШАҲАР МАГАЗИНЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛГАН ГРАФИК АСОСИДА ИШЛАЙДИ.

ЙИРИК САВДО КОМПЛЕКСЛАРИ
ЦУМ ВА ГУМ, «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ — соат 9 дан 21.00 гача, ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ 9 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.
ШАҲАР БОЗОРЛАРИДАГИ МАГАЗИНЛАР:
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ — соат 8 дан 20.00 гача ва 8 дан 19.00 гача.
САНОАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ соат 9 дан 19.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.
ЯРМАРКАДАГИ МАГАЗИНЛАР
ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ соат 8 дан 20.00 гача, дам олиш кунисиз;
САНОАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ 10 дан 21.00 гача, душанба куни дам олиб ишлайди.
Марказий кўчалар ва шаҳар майдонларидаги КИОСКАЛАР ВА ПАЛАТКАЛАР
СОАТ 8 ДАН 22.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
ГАЗ СУВ СОТИШ АВТОМАТЛАРИ — соат 7 дан 23.00 гача ишлайди, марказий магистралларда жойлашган газ сув автоматлари эса кечаю-кундуз ишлайди.

КВАС ВА МОРС СОТУВЧИ АВТОЦИСТЕРНАЛАР соат 8 дан 21.00 гача ишлайди.

ХАРИДОРЛАР УЧУН ТАЛАЙ ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА САВДО ХОДИМЛАРИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ИШЛАШИНИ БУНДАН БУЁН ҲАМ ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ БОРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ МАГАЗИНЛАРНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАРИДОРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ ЖУДА МУҲИМДИР.
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ
СИЗНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛИНАЁТГАН АНКЕТАНИНГ ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ:

1. Сиз мунтазам қатнаб турадиган магазинингиз мавжуд иш тартиби сизни қаноатлантирадими? ҳа йўқ (чизиб кўрсатинг).



2. Магазинингиз тартиб номери _____
(магазин қайси савдо ташкилотига қарашли эканлиги ва унинг тартиб номерини ёзиб кўрсатинг).
Адрес: _____
Агарда магазинингиз ишлаш тартиби сизни қаноатлантирмаса бундай пайтда сиз ана шу магазинингиз қандай тартибда ишлашини таклиф этган бўлур эдингиз _____ дан _____ гача. Танаффус _____ дан _____ гача. Дам олиш куни _____
якшанба душанба
(кераклигини чизиб кўрсатинг).

АНКЕТАНИ ТЎЛДИРИШ ПАЙТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИ ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ ИШЛАШИНИ УНУТМАНГИЗ.
АНКЕТАНИ 30 АПРЕЛГАЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИНГ:
Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 6-уй, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савро Бош бошқармаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

ХЎРОЗ АЛЛАМАҲАЛДА ҚИЧҚИРАДИ

БУДИЛЬНИК ЭСА СИЗГА ЭНГ КЕРАКЛИ ПАЙТДА УЙҒОНИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ!



Бош универсал магазин

СТОЛ БУДИЛЬНИКЛАРИ: «ЗАРЯ», «РАКЕТА», «ЛУЧ» (квадратли ва гардишли) МЕХАНИК, «СЛАВА» ВА СИГНАЛ БЕРУВЧИ ҲАМДА ЦИФЕРБЛАТИНИ ЁРИТИБ ТУРУВЧИ «ЭЛЕКТРОНИКА» СТОЛ СОАТЛАРИНИ

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

ГУМ (телефон 42-27-39).

ЭЛЕКТРОНИКА

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

АИР-2 АППАРАТИНИ

ТАВСИЯ ЭТАДИ

БУ АППАРАТ ДУДУҚЛАНАДИГАН НУТҚНИ СОЗЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.

У замонавий электрониканинг янги ютуқларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Прибор такомиллашган бўлиб — у амбулатория, стационар шароитларда, кундалик турмушда, меҳнат фаолиятида, нутқ сўзлаётганда, телефон ва бошқа воситалар орқали суҳбатлашаётганда ишлатилиши мумкин. Аппарат «Крон ВЦ» батареясидан қувват олиб ишлайди.

Магазин адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-68-60.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1985 йилга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:
барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича юқори малакали контролер-кассир ва сотувчилар.
Бу группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 6 ой.
Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга ҳам тингловчилар қабул қилинади.
Бу группаларга ўрта маълумотли 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.
Ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш муддати— 11 ой.
Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектлангандан сўнг бошланади.
Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлаш группаларига қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ БАРЧА ГРУППАЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Ўқиш даври меҳнат стажига киради.
Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, услуксиз равишда олиб борилади.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош Универмаги — ГУМда, Республика конторасига қарашли «Гастроном» магазинларида, ҳамда умумий овқатланиш илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълим (практика)ни ўтказадилар.
Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли) турар жойидан справка, таржимаи ҳоли 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 ёки 6 дона фотосурат, характеристика, давлат савдо ташкилотидан йўлланма.
Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент шаҳри, 700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чопон-ота» бекати). Телефон 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «УЗВОДПРИБОР АВТОМАТИКА» ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИГА **катта бухгалтер КЕРАК**

Ёлғиз кишилар ва кичик оилалар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Наримонов шаҳри, Лихачёв кўчаси, 13-уй.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —16/IVда **Пётр Биринчи**, 17/IVда **Тўмарис**, 18/IVда **Фидонийлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —16/IV да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —17/IV да **Олиф**, 18/IV да **Узилган торлар.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 17/IV да Тошкентда **биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «Цирк, цирк, цирк программаси** (19.30).

КИНО

16 АПРЕЛДА

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Санъат саройи** (кичик залда, 17.00 19.30).

«АФРИКАЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20); **Қозоғистон** (17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Ватан** (тоқ соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (18.00, 20.00, 21.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83); **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (18.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ХОЛИС НИЯТЛАР» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).

«ЭКИПАЖ» — **К. Ёрматов номли** (17, 20.00, телефон 24-22-66).

17 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта залда, 11.00, 13.30, 14.00, телефон 44-21-44).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Санъат саройи** (кичик залда 17.00, 19.30).

«АФРИКАЛИК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20); **Қозоғистон** (17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92); **Ватан** (тоқ соатларда); **Москва** (тоқ соатларда); **Восток** (18.30, 20.00, 21.30).

«ТУТСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83); **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (18.30, 21.00), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (телефон 78-47-25), **Ҳамза номли** (18.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-11-59).

«ХОЛИС НИЯТЛАР» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-75).

«ЭКИПАЖ» — **К. Ёрматов номли** (17, 20.00; телефон 14-22-66).

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва 146-ўрта мактаб коллективи мактабнинг илмий бўлим мудири Н. Обиджоновага отаси
Зонр ЗОКИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат медицина институтининг 1-клиникаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари бош врач ўринбосари Ҳ. М. Усмоновага отаси
Муҳиддин СОБИРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кулинария цехи бошлиги С. С. Олимхўжаевга отаси
Саидқосим ОЛИМХЎЖАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

сешанба

16 АПРЕЛ

● МТ I

18.25 «Крококот», «Қуёш акси». Мультфильмлар премьераси.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб боради.
20.05 М. Балакирев. «Исламей». Шарқ фантазияси.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 9-фильм — «Агар душман таслим бўлмаса...»
21.30 «Время».
22.05 Композитор Л. Лядованинг ижодий кечаси. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

4 БЕТ Тошкент оқшоми

16 АПРЕЛЬ, 1985 й.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали киоск».
21.15 «Келажак деҳқонлари». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Тумандаги икки узун гудок». Бадиий фильм.
23.20 СССР космонавт-учувчиси В. Н. Волков хотираси учун акробатика бўйича халқаро мусобақалар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Халқ истеъмоли молларига — юқори сифат». (рус.).
18.45 «Болтадан пиширилган бўтқа», «Чол ва дарахт». Мультфильмлар.
19.00 Телевизион новеллалар театри. М. Ҳазратқулов. «Ваъда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Камера фош этади». «Сохта санам».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда...» Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш: суръат ва сифат».
22.25 А. Островский. «Ҳар тўқисда бир айб». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам программаси (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Биология. Биогеоценозлар. Организм ва муҳит.
20.50 «Фақат гуллар» Телефильм.
21.00 Адабиёт. Ҳ. Олимжон — бахт ва шодлик куйчиси.
21.30 МТ II.

чоршанба

17 АПРЕЛ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 9-фильм— «Агар душман таслим бўлмаса...»
10.50 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Тумандаги икки узун гудок». Бадиий фильм.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Ёнғиннинг олдини олиш ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
15.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.10 Халқаро конкурс лауреати Т. Климова чалади (фортепьяно).
16.50 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Буюк Почин».
17.30 «Кампучия уфқлари». Киноочерк.
18.00 С. Орехов чалади (гитара).
18.20 «Табиатнинг дўстига айланиш учун». Кўрсатувда РСФСР Ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари Р. В. Бобров иштирок этади.
18.55 Стратегик мақсадлардаги ракета қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 В. Кунченко куйлайди.
20.15 «Лаҳзаларни тўхтатмай». Илмий-оммабоп фильм.
20.25 Х. Луйк. «Ҳайрли соатда». Телеспектакль.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». М. Луконин поэзияси.
22.30 «Генетиклар, нималар устида ишлаяпсиз?» Илмий-оммабоп фильм.
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — АҚШ терма командалари. 2-ва 3-даврлар. ЧССР дан олиб кўрсатилади
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ўгит». Телефильм.
9.35 10.35 География, 7-синф. Узоқ Шарқ табиати.
10.05, 13.40 Немис тили, 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига, Физика. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатиш.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф. Индустрлаштириш йўлидан.
12.05 «Сиз яратган боғ».
13.10 Астрономия. 10-синф. Галактикалар.
14.10 С. Гудзенко поэзияси.
14.45 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.15 «М. Шагиниян». Ҳужжатли фильм. 2-фильм.
16.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоқ янгиликлари».
1950 «Инерция пайти» Илмий-оммабоп фильм.
20.00 «Шахмат мактаби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Севги қўшиқлари». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Июлда ёққан қор». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.10 «Бўлғуси кашфиётга шарҳ». Илмий-оммабоп фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Чегарада ўқ узилди». Бадиий фильм.
11.30 Ботаника. Гул ва мевалар.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Чемпион бўлишни хоҳлайман». Телефильм.
12.30 Химия. Алюминий, унинг қотишмалари ва уларнинг аҳамияти.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сирли қуш», «Дўстлар». Мультфильмлар.
18.40 Янгийўл шаҳар 1-болалар музика мактаби тарбияланувчиларининг концерти.
19.00 «Ичкиликка қарши курашайлик». Кинопрограмма.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Театр учрашувлари».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап? Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Совет Ўзбекистони композиторлари». М. Бурхонов (давоми).
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Жиноят ҳуқуқи.
18.50 «Денгиз орзуси». Телефильм.
19.10 Ўқитувчи экрани. Муқимий ижодини ўрганиш.
19.40 «Алоҳида чегара». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Бурчга садоқат...»
20.50 «Этюд». Телефильм.
21.00 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг» (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-53-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12197. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.